



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 5 февраль, № 25 (4940)

Жума

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилаётган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада ошириш, sanoatга хориж сармоясини жалб этишда катта имкониятлар яратиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ифтихор

Гап шундаки, бу ерда нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик, кон металлургияси, фармацевтика, енгил sanoat, қурилиш ва мебелсозлик соҳаларида кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш ишлари жадал олиб борилаёттир. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунга қадар бу ерда sanoat корхоналари ташкил этиш бўйича умумий қиймати 187 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та битим имзоланган. Жанубий Корея, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклар, Ҳиндистон, Туркия сингари хорижлик ҳамкорлар иштирокидаги мазкур лойиҳалар бўйича 2009 йилда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгач, йилига 375,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади. Эътиборлиси, унинг қарийб тенг ярми экспорт қилинади.

Хозирги кунда ушбу зонада маъмурий бино, молия муассасаси маркази ва божхона хизмати бинолари қад ростлади. Уму-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ман олганда, ўтган йили бу ишга жалб этилган ўнга яқин қурилиш ташкилотлари томонидан 29 миллиард 445 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Мутахассисларнинг айтишича, жорий йилда яна 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши мўлжалланган. Аини пайтда шу эзгу мақсад йўлида бунёдкорлик ишлари жадал

олиб борилмоқда. Ташкил этилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти жаҳон бозориди рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Хусусан, бу ерда электротехника, машинасозлик ва автомобильсозлик sanoati учун бутловчи қисмлар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва

тиббийет ускуналари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Буларнинг бари юртимизда ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга sanoati учун бутловчи қисмлар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва

Ҳасан ПАЙДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

халқимиз фаровонлигини оширишда энг муҳим омилдир

Унда ўтган йилда барча соҳаларда олиб борилган изчил ислохотларнинг амалий натижалари, эришилган ютуқлар, илдам қадамлар далиллар асосида атрофлича таҳлил қилиниб, келгуси вазифалар хусусида муфассал мулоҳаза юритилганлиги билан киши эътиборини тортади. Узингиз ўйлаб кўринг, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош бердик, балки барча соҳаларда барқарор ривожланишга эришдик. Ахир бундан фахрланмай бўладими? Бу халқимизнинг келажака бўлган катта ишончи, меҳнатсеварлиги ва фидойилиги самарасидир.

димишнинг 4 миллион сўмини турли хайрли ишларга сарфладик. Шу кунларда корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ҳисобига яна 10 та иш ўрнини ташкил этиш ҳаракати тидимиз.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш муҳимлигини ҳисобга олиб, уларни молиялашда тижорат банкларининг ролини ошириш зарурлигини айтиб ўтдилар.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига кредит

ресурслари ажратилиши микдорини 1,4 бараварга кўпайтириш, микрокредитларни 1,3 бараварга ошириш вазифасини ўртага қўйдилар.

Табиийки, бу шу соҳанинг вакили сифатида менга ўзгача жўшқинлик бағишлади. Қолаверса, тадбиркорлик соҳасига бўлган меҳримни янада зиёда қилди. Ахир бунчалик эътибор, бунчалик ғамхўрлик кўрсатилган соҳага шунчаки қараш мумкин эмас! Демокриманки, ушбу ғамхўрликдан самарали фойдаланиб, Юртбошимизнинг бизга билдирилган ишончини оқлаб, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Жобберган ОТАЖОНОВ,
Янгибозор туманидаги «Бўдо» хусусий корхонаси раҳбари,
«Шуҳрат» медали соҳиб.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди илмий тадқиқот муассасалари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.



Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти мазкур ярмаркада ҳар йили янги илмий лойиҳалари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Изланишларнинг амалий аҳамиятини янада юксалтириш, илмий тадқиқотлар самардорлигини ошириш мақсадида институт олимларининг мамлакатимиз сув ҳўжалиги соҳаси таш-

килотлари билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Жумладан, янги турдаги сув сарфини ўлчаш воситаларини ишлаб чиқаришда "Технолог" заводи, сув тежайдиган технологияларни амалиётга татбиқ қилишда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари билан ҳамкорлик яқши самаралар бермоқда. Мазкур муассасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар қўлами кенгаймоқда.

— Иновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида илмий жамоамиз ҳар йили янги илмий тадқиқотлари билан

иштирок этади, — дейди Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти директори Шавкат Раҳимов. — Бу йил ярмаркада тўқизта лойиҳа билан иштирок этишни мўлжаллашмиз. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида экинлар ҳосилдорлигини ошириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яқшилаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суви тежаш ва уни бошқариш технологияларини такомиллаштириш каби йўналишдаги инновацион ечим ва ишланмалар шулар жумласидан. Шунингдек,

институтимиз олимлари томонидан сув ресурсларини тезкор бошқариш учун мўлжалланган бир қанча компьютер дастурлари, сув ҳисоблаш воситалари, гидротехник қурилиш ашёлари учун қўшимчалар, сув ва тупроқ ҳолатини назорат қилувчи асбоблар ишлаб чиқилган.

Ана шундай янги ишланмалардан бири — «BIS» компьютер дастури. Ушбу дастур сув ресурсларини бошқариш жараёнига географик ахборот тизими технологиясини қўллаш мақсадида яратилган. Унда сув ҳавзасининг гидрографик тузилишига асосланган маълумотлар базаси, матн ва графика, фотоматериаллар жойлашган бўлиб, ҳавзанинг сув захиралари ҳамда сувдан фойдаланиш ҳолати ҳам эътирилган.

(Давоми 2-бетда).

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона иш бошлади

НАМАНГАН туманида тадбиркор В. Мўминжонов саъй-ҳаракати билан хориж технологиясини асосида сутни қайта ишлайдиган «Силвер Макс Босмилк» корхонаси иш бошлади.

Хозирги кунда бу ерда ойига 30 тоннадан ортиқ сут қайта ишланиб, 12 турдаги сут маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сувдаги хазина

АНДИЖОН. Хонобод шаҳридаги «Садаф гавҳари» фермер ҳўжалиги уч гектар майдонни эгаллаган қўлда балиқ етиштиришни йўлга қўйди.

Аини пайтда ҳўжалик аёзолари балиқнинг «Амур», «Сазан» ва «Дўнгпешона» турларини парвариш қилишмоқда. 10 киши меҳнат қилаётган жамоа аҳоли дастурхонига дастлабки 6 тонна лўқмай ҳалолни етказиб берди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

алоҳида эътибор қаратилган. Фарғона вилоятида ҳам унинг ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Вилоятимизда меҳнатта лаёқатли аҳолининг 700 минг нафарга яқинини аёллар ташкил этади, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлудахон Ҳўжаева ЎЗА мухбирига. — Биз жойларда янги иш ўринлари яратиш, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ЗАХИРАСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2009 йил яқунларига кўра, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 5,7 фоизни ташкил этди.

Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан иқтисодиётнинг ушбу етакчи тармоғида ислохотлар изчил олиб борилаётгани, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган янги корхоналар бунёд этилаётгани, фермер ҳўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилаётгани тўғрисида шундай юқори ўсиш сурьати таъминланди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дастур орқали ирригация тизимининг электрон чиққичли схемаси, режалаштириш, сув тақсимлаш ва тизим доирасида сув балансини ҳисоблаш маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Айни вақтда мазкур компьютер дастури Қизилқум-Кегейли, Шохруд-Дўстлик ирригация тизимлари ва Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида қўлланилмоқда. Янги ишланма ирригация тизими доирасида сув ресурсларини тежкор бошқариш имконини яратиши билан ахамиятлидир.

Сугориш учун ишлатилган сув самардорлигини таъминлашда асосий истеъмолчилар — фермерларга етказиб берилаётган сув ҳисоб-китобини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу сугориш тармоқларидаги сув сарфини тўғри аниқлашни талаб этади. Мазкур йўналишда институтнинг гидрометрия бўлими ходимлари томонидан сув ўлчаш воситаларининг қатор намуналари яратилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Улар қаторида тармоқдаги сув тезлигини ўлчашга мўлжалланган Пито найчасининг тақомиллаштирилган нусхаси, сув сарфини ўлчаш ва ростлашга хизмат қилувчи кувурсимон сув чиқаргич-ўлчигич, шлюз-сув ўлчигичлар қўлай, ихчам ва самардорлиги, айни пайтда аниқ ишлаши билан ажралиб туради.

Институтда яратилган катта нишабли майдонларга мўлжалланган томчилатиб сугориш тизимлари сувдан самарали фойдаланишнинг яна бир намунаси бўлиб, у орқали босим насосларсиз, ернинг табиий баландликлари фарқи ҳисобига яратилади. Натijaда сув экиннинг илдизига ҳеч қандай энергия сарфисиз, табиий босим ҳисобига бир текис етказиб берилади. Ушбу технология Тошкент ва Жиззах вилоятлари тоғолди туманларида синовдан ўтказилган. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини тежкор аниқлаш зиротчилик самардорлигини таъминловчи омиллардан. Лекин мавжуд мелиоратив ҳолатни баҳолаш учун бир неча кунлаб кимёвий таҳлилларни ўтказиш талаб қилинади. Институт тупроқ тадқиқотлари ва шўр овийш лабораторияси ходимлари томонидан маҳаллий хом ашё асосида яратилган электрокондуктометр — хорижий асбобнинг маҳаллий шароитимизга мослаштирилган нусхаси тупроқ шўрлигини тежкор аниқлаш имконини беради.

Агроном ва фермерларга мўлжалланган мазкур укуннадан дала шароитида тупроқ шўрлигини, сугоришда ишлатиладиган ва зовур сувларининг шўрлик даражасини баҳолашда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан мазкур изхорлар учун патент берилган.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ

хабарлари

Фаллаоролдаги "Меҳнат" хусусий корхонаси 2007 йилда иш бошлаган. Лекин ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологияга асосланмаганлиги туфайли корхона маҳсулотларига талаб кам эди.

Модернизация меваси

Бу ерда кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилган, ҳолат тубдан ўзгарди. Ҳозир корхонада 9 хилдаги сут ва 8 хилдаги гўш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Маҳсулот сифатлиги ҳамда бежирим идишларга қадоқланаётганлиги боис ички бозорда харидорги бўлаётди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гишт заводлари кўпаймоқда

Қашқадарёда ўтган йили 15 та гишт заводи қурилиб, ишга туширилди. Ушбу корхоналарда тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиши туфайли 51 миллион дона пишиқ гишт тайёрланди.

Бу эса вилоятда мазкур қурилиш хом ашёсининг таннархи арзонлашувига ҳамда қурилишлар ҳажмининг ошишига олиб келмоқда.

Айтиш лозимки, вилоятда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан ўтган йили 500 миллион сўмдан ортик кредитлар ажратилди.

Б. НОҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Қоровулбозорқурилишигишт" масъулия-чиқарилган жамияти пишиқ гишт ишлаб чиқариши йўлга қўйди.

Бунинг учун банкдан олинган 500 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда 50 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 2,5 миллион донгача деворбоб қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ана шу муваффақиятлар замирида, айтиш жоизки, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш ҳамда кўлаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳасамдир. Бунинг асосида мисолида қукур ҳис қилиб турибмиз.

Таъридан маълумки, мулкдорлар синфи иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида таянч вазифасини бажаради. Чунки бу соҳа ўзининг ихчамлиги боис бозор иқтисодиёти шароитига тезда мослашиб, йўналишини қисқа муддатларда ўзгартириш, энг муҳими, кўлаб янги иш ўринлари яратиш имко-

ниятига эга. Шу маънода, юртимизда кичик бизнес жадал ривожланаётгани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишда, аҳолининг бандлик даражасини кўтаришда қўл келмоқда. 2009 йилда жами 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган бўлса, шунинг 390 мингдан ортиғи кичик бизнес соҳасига тўғри келгани бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилган эътибор, мазкур ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилган ғамхўрлик туфайли тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Масалан, бизнинг "Train Consultancy" масъу-

лияти чекланган жамиятимиз ҳам ўтган йили ташкил этилди. Бунда, табиийки, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш баҳоси 4, лойиҳасмета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қйма-ти эса 2 баробар пасайтирилгани ўз самарасини берди, албатта.

Натijaда бундай имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, тез орада ишни бошлаб юбордик. Айни пайтда корхонамизнинг малакали мутахассислари томонидан нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг турли бурчақларидаги ишбилар-

монларга иқтисодиёт, молия, бухгалтерия ҳисоби, бошқарув менежменти бўйича консалтинг хизматларини кўрсатаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири тадбиркорларга чет эллик ҳамкорлар топиш, тармоққа хориж инвестициясини жалб қилишдан иборатдир. Корхонамиз жамоасининг сайёра-харакати туфайли Пискент туманининг Мингўрик қишлоғидаги фаолият тўхтаб қолган гишт заводида хориж инвестицияси киритилди. Пировардидан у замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланган, ноанъанавий ўлчамдаги говак гишлар ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди.

Айни пайтда бундай ишлар кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб улшў қўйиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаёғимиз. Зотан, мамлакатимизнинг ривожига, иқтисодий тараққиётга эришиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш ўз қўлимиздадир.

Бекзод ШООРТИҚОВ, Тошкент шаҳридаги «Train Consultancy» МЧЖ раҳбари.

Тадбир

Бугун мамлакатимизда солиқ юкни энгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАРҒИБОТИ

Хусусан, республикада 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилиши билан кўлаб корхоналар учун солиқ тўлови бўйича қатор имтиёзлар яратилди.

Эътиборлиси, бу борадаги қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Табиийки, тизимга доир бундай ислохотлар моҳиятини бугун аҳолига кенгроқ тушунириш талаб этилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, тизим қошидаги ахборот хизматларининг ҳиссаси катта. Шу муносабат билан Давлат солиқ қўмитасида 2010 йилда солиқ сийсати ва солиқ қонунчилиги тарғиботи ишларини қулайлаштиришга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда солиқ тизими идоралари ахборот хизматлари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

К. АЛЛАМЖОНОВ.



Бугунги кунда маҳсулотларни тайёрлаш ёки етиштириш, хизматлар кўрсатиш, қўйиники, барча соҳаларда муваффақиятли фаолият юритишда ҳамкорларнинг ўрни катта. Бунда, табиийки, ҳамкорлик шартномаларини тузиш тадбиркорга ҳам, корхона ва ташкилотга ҳам қўл келади.

Ишнинг юришиши, қўзланган маблағларнинг ўз вақтида келиши қонунларга асосланиб тузилган шартнома шартларига тўлиқ амал қилишга ҳам боғлиқ. Келишилган аҳдга риоя этмаслик эса, ўзгалар фаолиятига зиён бўлиши билан бирга, шартларни бузган ҳисмоний ёхуд юридик шахсга ҳам фойда келтирмайди. Зеро, бирор корхона, ҳўжалик юритувчи субъект ёки фермер ҳўжалиги маҳсулот олиш ё сотиш учун, албатта, қонуний ҳамкорлик шартномалари асосида ишлаши давр талабидир.

САМАРҚАНД БАХМАЛИ

Самарқанд вилоятида бахмал ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Оқдарё Ал-Бухорий духоба" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Замонавий тўқув дастгоҳлари ёрдамида бу ерда бир кеча-кундузда ўртача 1000 погон метр ҳажмида маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлаган, мазкур кўрсаткич икки баробарга ортади.

Муҳими, корхона иш бошлаши билан 68 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: корхона ишчилари Сарвиноз Сафарова, Дилбар Тоғаева ҳамда Нилуфар Холиқова.

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кармана ширинликлари

Карманалик Маҳмуд Ҳалимов ўз маблағи ҳамда банкдан олган кредити ҳисобига хориждан қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технология олиб келиб, қандолатчилик цехини ишга туширди.

Ҳозирда бу ерда ўн хилдан ортик ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Эътироф этиш керакки, 15 киши меҳнат қилаётган ушбу жамоа дастлабки бир ойда 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқарди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сув иншооти таъмирланди

Кўп йиллик тарихга эга Катта Фарғона канали тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Айтиш керакки, водийга обиҳаёт берувчи ушбу йирик сув иншооти ўтган йиллар мобайнида деярли таъмирланмаган эди. 300 га яқин ирригаторларнинг куч-ғайрати билан бу ерда 121 минг кубометр ҳажмида тупроқ

ишлари бажарилиб, 206 километр масофадаги ўзан тозаланди. 119 та гидропост таъмирдан чиқарилди. Эски тўғонлар ва дарвозалар янгиланди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Шартнома

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, ҳўжалик судлари томонидан қўрилган низоларнинг аксарияти шартномавий муносабатлардан келиб чиқмоқда. Шартноманинг тарафлар манфаатини ифода-

лик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кенчиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кенчиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Юқоридаги қонун нормаларига асосан, жавобгар "Zamobob-hamkor" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси иш бўйича вужудга келган асосий қарз ҳамда пеня тўлашга мажбур бўлди.

Хамкорликнинг хайрли бошланиб, хайрли ниялангани яқини. Аммо иш яқини судгача бориб, ҳамкорларнинг бири-бирдан ранжиш хунук ҳолат. Вақтида бажарилмаган шартларнинг ана шундай ташвиш келтиришини шартномага қиришувчи ҳар бир ҳўжалик субъекти раҳбари унутмаслиги лозим.

У. ЖУМАЕВ, Сирдарё вилояти ҳўжалик суди судьяси.



Қайта ҳисоб-китоб қилинади

— 2009 йил давомида биз яшайдиган кўп қаватли уйда иссиқ сув ўрнига совуқ сув берилди. Унинг ҳақини қандай тарифда тўлашни билмаямиз. Бундай ҳолатларда истеъмолчиларга қайта ҳисоб-китоб қилинадими?

К.САИДОВ.
Урганч шаҳри

— Ушбу масалада Хоразм вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамда туман жамиятларига кўплаб ёзма ва оғзаки мурожаатлар бўлиб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 ноябрдаги "Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасида иссиқлик, газ, сув ва канализация хизмати бўйича шартномавий муносабат ўрнатилиши белгиланган. Иссиқ сув истеъмолчи хонадонига шартномада кўрсатилган муддатда узлуқсиз etkazиб берилиши шарт. У фойдаланувчи уйга кириш жойида 50 даражадан паст бўлмаслиги зарур. 24 соат давомида 2 соатдан ортиқ узилишлар бўлса, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади. Бунда ҳар бир узилиш вақти жамланиб, ҳар бир одамдан истеъмолчи берган аризасига ҳамда фуқаролар йиғини, уй

мулкдорлари ширкати ва хизмат кўрсатувчи вакили иштирокида тузилган далолатнома асосида ҳисоб-китоб қилинади. Хизмат кўрсатувчи томон вакили бу жараёнда қатнашмаган тақдирда далолатнома МФЙ, шу уйга хизмат кўрсатувчи уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланади ва бу ҳужжат қонуний ҳисобланади.

Бу ҳолат "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси 2-қисмида "Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига кўшимча товарлар сотиб олишга ёки кўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас", деб ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Муассар ЖАЛАЛОВА,
Хоразм вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси.

ЮЗМА-ЮЗ



Қайси имтиёзлар назарда тутилган?

— Тўғридан-тўғри хорижий сармояни жалб этиб, чет эллик ҳамкор билан ишлаган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар борасида маълум бир имтиёзлар назарда тутилган экан. Шу ҳақда батафсил тушунча берсангиз.

Дилмурод АҲМАДЖОНОВ,
хусусий корхона раҳбари.
Уйчи тумани



— Ҳақиқатан ҳам, хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорни харидоригар моллар билан тўлдиришда фаоллик кўрсатаётган корхоналарга бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш ни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, улар қуйидаги солиқлардан озод этилган: асосий фаолият бўйича даромад солиғи; мулк солиғи; микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ; ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; экология солиғи.

Ушбу имтиёзлар киритилаётган тўғридан-тўғри инвестиция ҳажмига қараб уч, беш ва етти йил муддатга берилади. Фармонда, шунингдек, имтиёзлар радио-электрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш, энгил, ипақчилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, гўшт, сут, кимё-фармацевтика саноати ҳамда парранда гўшти ва туҳумни саноат миқёсида етиштириш тармоқларига жорий этилиши белгиланган.

Абдулаҳад ШЕРМАТОВ,
Наманган вилояти таъқиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи.



— Тижоратга қизиқаман. Шу соҳа сарварини мукаммал ўрганиш учун ўқиб-излаяман. Кейинги пайтларда олмайв ахборот воситаларида "Электрон тижорат" атамасига тез-тез дуч келаялман. Шу ҳақда тушунча берсангиз?

Ғайрат ОТАЖОНОВ.
Нукус шаҳри

Электрон тижорат

— Электрон тижорат ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Электрон тижорат қуйидаги йўналишларга бўлинади: яъни, "бизнес бизнесга", "бизнес истеъмолчига", "бизнес маъмуриятга". Шунингдек, сўнгги вақтларда "истеъмолчи истеъмолчи" ва "истеъмолчи бизнесга" йўналишлари ҳам ривожланиб бормоқда.

"Бизнес бизнесга" йўналиши, бу — икки ёки ундан кўп корхоналарнинг ўзаро олди-сотдиси, келишувчи ҳамда ушбу амалларнинг корпоратив ахборот тизимлари бириктириши (интеграцияси). "Бизнес истеъмолчи" йўналишида корхона ўз товар ва хизматларини тўғридан-тўғри сўнгги харидорга сотиши тушулинади. "Истеъмолчи истеъмолчи" кўринишида провайдер орқали истеъмолчи бошқа истеъмолчига ўз товар ва хизматларини сотади. "Истеъмолчи бизнесга" да эса корхоналарнинг сотиб олаётган товар ва хизматларига харидор ўзининг баҳосини белгилайди.

Ш. БУРҲОНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси мудири, физико-математика фанлари номзоди.

ИШБИЛАРМОНЛИККА ИМКОНИЯТ БОР

— Биринчи гуруҳ ногирониман. Лекин тадбиркорлик, тижорат ишлари билан имкониятнинг даражасида шуғулланмоқчиман. Банкдан микрокредит олсам, менга имтиёзлар бериладими?

Д. ҒОҒУРОВ.
Тошлоқ тумани

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва "Микрокредитбанк" кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 28-бандига кўра, микрокредит олиш учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўлжал қўйидаги қатламлари — кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, шу жумладан, кўзи оғирлар жамияти аъзолари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оғирган шахслари бор оилалар, таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари мавжуд оилалар устуворликка эга бўладилар.

Абдубаннон МАДОЛИМОВ,
Фаргона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Хизмат кўрсатувчига энгиллик

— Пластик карточкалар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар бўйича солиқлардан имтиёз мавжудми?

Ҳамидулла ИКРОМОВ.
Зарафшон шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган солиқ ставкаси 10 фоизга пасайтирилади.

Мардон ЖАББОРОВ,
Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.



Қалбаки маҳсулотдан эҳтиёт бўлинг

— Савдо шохобчаларининг биридан видеофильм нусхасини сотиб олгандим. Сифатсиз чиқди. Бу ҳол биринчи марта учраётгани йўқ. Илгарироқ семимли хонандаларимиздан бирининг концерти туширилган видеоёзувини харид қилгандим. Унинг сифатидан ҳам кўнглим тўлмаганди. Бу каби маҳсулотларнинг сифатсизлиги сабаби нимада?

Ш. БОБОВ.
Бухоро шаҳри

— Киновидео фильмлар ва концерт дастурлари видеоносхасини сотадиган ёки ижарага берадиган савдо шохобчалари маҳсулотлари сифати пастилиги сабабларидан бири уларнинг контрафакт маҳсулот эканлигидир. Бошқача қилиб айтганда, улар яширин йўл билан олинган, кўпайтирилган маҳсулот ҳисобланади. Афсуски, мўмай даромад топиш мақсадидан кўзланган айрим "ишбилармонлар" шу тарика қонунга зид иш тутишапти.

Ҳар бир киновидео маҳсулот ва концерт дастури нусхасини кўпайтириб тарқатишдан аввал муаллифлардан расмий рўхсат олиш ва шу маҳсулотларга белгиланган тўловларни амалга ошириш керак. Бу ўринда "Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига муро

жаат қилиш фойдадан холи эмас. Унда аудио-видео ёзувини бажарган шахш шу ёзувга нисбатан тегишли ҳуқуққа эга бўлиши, ундан бошқаларнинг фойдаланиши учун ушбу ёзувини амалга оширган шахшнинг рўхсати зарурлиги қайд этилган.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги "Киновидеомаҳсулотларни ишлаб

чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 135-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ва давлат солиқ идоралари билан ҳамкорликда жойларда рейдлар ўтказиб келаялмиш.

Ринат ТўРАЕВ,
"Ўзбеккино" миллий агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи.

Зулук билан даволаш

— Тиббиётда "бделлотерапия" номи билан юритилувчи муолажа амали (юнонча — бделла — зулук, терапия — даволаш) мавжуд. Зулук билан даволаш кўхна замонлардан бери қўлланиб келинади-ган амал ҳисобланади. Ҳозирги кун тиббиётда зулук билан хафакон, миокард инфаркти (тўсатдан рўй берадиган юрак хасталиги)

даволанади. Шунингдек, жигарда халқопланиш содир бўлганда, ўткир кўринишдаги нефритда (буйракнинг яллиғланиш касаллиги), хасмол (панариция), аёлларда хос хасталиклар, тери касалликлари, жумладан, чипқон, кўзикўк, сизлогич, хуснбузар, темирлатки каби дардларда зулукдан омилкорлик билан фойдаланила-

ди. Манбаларда қайд этилишича, бавосилни зулук билан даволаш амали ҳам бор.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ҳар қандай ҳовуз, кўлмак, зовур ва ариқлардан зулукларни тутиб, улардан фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Фақат дорихоналардаги сифатли, тиббий зулуклар тасвия этилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришуно.

— Бултур 3-4 йиллик боғларимизнинг дастлабки ҳосилдан баҳраманд бўлдик. Аммо меваларнинг бир қисми негадир айнан етилиш чоғида тўкилиб кетди. Олмаларга курт тушди. Айтишларича, мана шундай салбий ҳолатлар кузатилмаслиги учун мевали даракхларни, айниқса, олмани гуллаш арафасида ва ундан кейин то ҳосил етилгунча бир неча марта дорилаш лозим экан. Бу борада тасвия берсангиз.

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Фориш тумани, Бекат қишлоғи

Ҳосилдорлик сирини

— Дарҳақиқат, мевали даракхлар ҳосилига турли касаллик ва ҳашаротлар зарар etkazмаслиги учун уларга қарши маҳсул ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Бир туп олма дарахти маҳсулида куйидагича дорилаш усулини тасвия эта-миз.

Ҳали даракхнинг куртаклари очилмаган пайтда 10 литр сувга 250 грамм кир совун, 1 литр солярка қўшиб пуркалади. Иккинчи ишлов эса олма ёппасига гуллаб, гул тож барглари 70-75 фоизи тўқилган даврда амалга оширилади. Чунки бу вақтда олма қурти личинкаларининг кўпайиши кузатилади. Ишловда "БИ-58" кимёвий воситасидан 10 граммни 10 литр

Мурод ИРГАШЕВ,
Жиззах вилояти «Қишлоқхўжалиқим» АЖ раисининг биринчи ўринбосари.

Қоидабузарликни исботлаш керак

— Машинами йўл-патруль хизмати ходими тўхтатиб, аввалги чорраҳада "қизил чирок" ёниб турганида ўтиб кетганим учун баённома ёзишни айтди. Аслида эса ундай бўлмаган. Лекин ЙПХ ходими "қоидабузарлигим" ҳақида унга ишончли ҳайдовчидан кўнгирак бўлганини билдириб, фикримни инкор этди. Шу тўғрисида?

С. ЭШОНОВ.
Қарши шаҳри

— Йўл-патруль хизмати ҳайдовчининг содир этган қоидабузарлигини кўрмаган бўлса, унга нисбатан қонун доирасида баённома ёзиши мумкин эмас. Агар ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидабузарлигини бузганини бошқа йўл-патруль хизмати кўрган ва ҳайдовчи унинг тўхташ ҳақидаги талабига бўйсунмай кетиб қолган бўлса, баённома ҳолат гувоҳи бўлган ходимнинг билдиргисига мувофиқ тузилади. Ҳайдовчининг айби исботланган тақдирдагина жазо чораси кўриш мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг қоида бузганлигини исботлаш,

Э. ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи.



Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғас ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бутаев. Навбатчи — О. Файзиев. Мусоҳаҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 22.25

1235